

5. Третьяк О.А., Ребязина В.А., Ветрова Т.В. Современные маркетинговые практики в России: результаты эмпирического исследования. // Российский журнал менеджмента. 2015. Том 13. № 1. 2015. С. 3-26.
6. Терещенко В.М. Маркетинг-терапия. – СПб.: Питер, 2004. – 288 с.
7. Беспалько В.А. Стратегии, формы и методы ценовой и неценовой конкуренции в теории и методологии промышленного маркетинга. – Краснодар: ККИ, 2017. – 240 с.
8. Rust R.T., Huang M.H. The service revolution and the transformation of marketing science. // Marketing Science. 2014. T. 33. №. 2. C. 206-221.
9. Kotler P., Kartajaya H., Setiawan I. Marketing 5.0: Technology for humanity. – John Wiley & Sons, 2021.
10. Bauer H., Heinrich D., Albrecht C. M. All you need is love: Assessing consumers' brand love. // Proceedings of the American Marketing Association summer educators conference. – Chicago: American Marketing Association, 2009. T. 15. №. 2. C. 252-253.
11. Elliott R. H. et al. Strategic brand management. – Oxford University Press, USA, 2015.
12. Soba M., Aydin M. Product placement efficiency in marketing communication strategy. // International Journal of Business and Management. 2013. T. 8. №. 12. C. 111-116.
13. Holm O. Integrated marketing communication: from tactics to strategy. // Corporate Communications: An International Journal. 2006.
14. Luxton S., Reid M., Mavondo F. Integrated marketing communication capability and brand performance. // Journal of Advertising. 2015. T. 44. №. 1. C. 37-46.
15. Erragcha N., Romdhane R. New faces of marketing in the era of the web: from marketing 1.0 to marketing 3.0. // Journal of research in marketing. 2014. T. 2. №. 2. C. 137-142.
16. Fuciu M., Dumitrescu L. From Marketing 1.0 To Marketing 4.0 -The Evolution of the Marketing Concept in the Context of the 21 Century. // International conference knowledge-based organization. 2018. T. 24. №. 2. C. 43-48.



### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДИК ЁНДАШУВИ

Мухитдинов Шухрат Зиявутдинович -  
Наманган мұғандислик-технология институты  
Иқтисодиёт кафедрасы доценти

doi [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a18](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a18)

**Аннотация.** Мақолада ишлаб чиқарыш корхоналарида бошқарув самарадорлигини оширишининг методик асосларини тақомиллаштиришида омилларни методик жиҳатдан таҳлил қилиш замонавий ёндашувга кўра тақомиллаштирилган. Шунингдек, корхона рискларини бошқариш алгоритми ва корхонанинг рисклар тизимини таъминлаш орқали рискларни бошқаришни бошқарув жараёнларига интеграция қилиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ключевые слова:** риск, ишлаб чиқарыш, бошқарув, методология, интеграциялаш.

### МЕТОДИЧЕСКИЙ ПОДХОД К УПРАВЛЕНИЮ РИСКАМИ НА ПРОИЗВОДСТВЕННОМ ПРЕДПРИЯТИИ

Мухитдинов Шухрат Зиявутдинович -  
Доцент кафедры экономики Наманганского  
инженерно-технологического института

**Аннотация.** В статье рассмотрены методики определения факторов совершенствования методологических основ повышения эффективности управления на производственных предприятиях в соответствии с современным подходом к налогообложению. Также были разработаны предложения и рекомендации по интеграции управления рисками в управленческие процессы путем предоставления алгоритма управления рисками предприятия и системы управления рисками предприятия.

**Ключевые слова:** риск, производство, управление, методология и интеграции.

### METHODICAL APPROACH TO RISK MANAGEMENT IN A MANUFACTURING ENTERPRISE

Mukhittdinov Shukhrat Zivitdinovich -  
Namanganismechanical Institute of Technology  
"Economics" Department Associate Professor

**Annotation.** In the article, the methodologies of factors in improving the methodological foundations of improving the effectiveness of Management in production enterprises are taken according to the modern approach of taxing. Also developed proposals and recommendations for integration of risk management into management processes by providing an algotirim of Enterprise Risk Management and an Enterprise Risk System.

**Keywords:** risk, production, management, methodology and integrations.

**Кириш.** Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида рискларни бошқариш тизимини са-марали жорий этиш ва муаммоларининг дол-зарбилигини баҳолашнинг методологик асос-ларини тадқиқ этиш тақозо этилади. Рискларни баҳолашнинг методологик усули баҳоланадиган хатар ёки хавф турининг (масалан: "бошланғич", "якуний") моҳиятига кўра бошқарувнинг пози-циясини ўзгартиришни талаб этиши кераклиги-ни белгилаб беради.

Ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни тавсифловчи кўрсаткичлар: харажатларнинг кўпайиши, ўтказиб юборилган имкониятлар ту-файли ишлаб чиқариш шароитларининг ёмон-лашуви, номукаммал технологиялар инвестици-ция қилинган капиталнинг рентабеллик дара-жасининг пасайиши, маҳсулот рентабеллиги-нинг пасайиши, ишлаб чиқаришда зарар ва фой-дадан иборат бўлиши мумкин.

Турли хил муҳитнинг ноаниқлиги шаро-тида хатарлар тизимининг барқарорлигини таъминлаш муаммоси менежмент сифати кўр-саткичларининг барқарорлигини таъминлашга ўхшайди, бу тобора кўпроқ бошқарув муаммоси-га айланиб бормоқда. Ишлаб чиқариш фаолия-тининг иқтисодиётдаги ўрни ва унинг ривожла-ниши ҳақидаги замонавий гоялар, ноаниқлик ва таваккалчилик етакчи ўринни эгаллаган ижти-моий-иқтисодий жарабённинг мақсадли функ-циясини баҳолаш, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг хатарлар тизимининг ҳолатини баҳолашга жуда кўп турли хил ёндашувлари ва усуллари туфайли зиддиятли вазиятнинг ву-жудга келиш эҳтимоли мавжуд. Шу нуқтаи на-зардан ишлаб чиқариш соҳасида рисклар ва уларнинг олдини олишда, айниқса, рискларни бошқаришнинг методологик ёндашувини тад-қиқ этиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам мам-лакатимизда ушбу муаммо бўйича илмий тадқи-қот ишларини янада чуқурлаштириш тақозо этилади ва танланган мавзу долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ушбу мавзу бўйича олимлар томонидан бир қатор тадқиқот ва илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни бошқаришнинг методолик асослари ва ёндашувлари турличалиги кўрсатилмоқда. Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот ишла-ри натижалари бўйича кўплаб халқаро конфе-ренция, давра сұхбатлари, анжуман ва диссерта-ция ишларида келтириб ўтилган.

МДҲ мамлакатлари олимларида А.Г.Бада-лованинг фикрича, "Тўқимачилик корхоналари фаолияти билан боғлиқ рискларнинг кенгайти-рилган методологик таснифи икки хавф гуруҳи-дан иборат: молиявий ва молиявий бўлмаган рисклар. Корхоналарнинг ривожланиши билан молиявий бўлмаган хатарларнинг уларнинг мо-

лиявий натижаларига ва рақобатбардошлик да-ражасига таъсири муҳим аҳамият касб этди" [1].

С.А.Игнатов фикрига кўра, "Енгил саноат соҳасига таъсири кўрсатувчи рискларнинг иден-тификацияси шуни кўрсатадики, молиявий бўл-маган рискларнинг энг муҳим жиҳати импорт товарларнинг бозордаги устун рақобатга эга эканлигидадир" [2].

Мамлакатимиз олимларида Ж.Х.Қамба-ров ўзининг "Ишлаб чиқариш рискларининг саноат ривожига таъсири масалалари" номли мақоласида "ишлаб чиқариш рискларининг рес-публика саноат корхоналарига оид аниқ тамо-йиллар тизимини ишлаб чиқиш зарур"лигини таъкидлаб ўтган [3].

Ш.Турсунхўжаева эса ўзининг илмий тад-қиқот иши доирасида "Молиявий рискларни бошқариш тизимига қўйиладиган асосий талаб-ларнинг шакллантирилиши" бўйича назарий аҳамиятга эга бўлган тизимни яратган [4].

Европа мамлакатлари олимларида Андреа Думитреску ўзининг ўтказган тадқиқот ишида таъкидлашича, "Ишлаб чиқариш корхонасида таъсири этувчи рискларнинг асосий эле-метлари – ишчи ходимлар туфайли келиб чиқа-диган рисклар ва технологик рисклар"дир. Шунингдек, Андреа Думитреску ушбу рискларнинг бошқарув методик ёндашувида, албатта, ҳар қандай кўринишдаги таъсири этувчи рискларни баҳолашнинг методик усули бўлиш ке-раклигини қайд этган [5].

Ж.Клобер – КОЖ ўзининг тадқиқот иши доирасида ишлаб чиқариш корхоналарида рискни аниқлаш, баҳолаш ва бошқарув ёндашувига кўра "тизимлаштириш, ахборот, риск маълумот-лар пакети ва таҳлил қилиш" орқали ишлаб чиқариш рискларининг заарларини камайтиришга эришиш мумкинлигини қайд этган [6].


**Тадқиқот методикаси.** Ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни бошқаришнинг таш-килий-иқтисодий механизмларини такомил-лаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълу-мотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, синтез, инду-кция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланил-ган.

**Таҳлил ва натижалар.** Наманган вилоя-тининг саноат соҳаси 1978 йилда 20 дан ортиқ асосий тармоққа эга бўлган бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 25 турга яқинини чет мамлакатларга экспорт қила олган [7]. Мус-тақиилликнинг илк йилларида Наманган вилоя-ти ишлаб чиқариш корхоналарининг аста-секин жаҳон бозорига ўзи мустақил равишда чиқиши доираси кенгайиб борди. Айниқса, «Наманган ташқи савдо» иқтисодий алоқалар фирмаси ви-лоятдаги ташкилотларга хорижий фирмалар билан алоқалар олиб боришда амалий ёрдам

берди. Фирма кўмагида 26 та чет эл фирмалари билан алоқа ўрнатилди ва вилоятдаги 43 та корхона ташки иқтисодий фаолият билан шугуулла-на бошлади[8]. Намангандарга вилоятдаги 1991 йилдан эътиборан йирик турдаги енгил саноатга ихтисослашган “Янгиқўрғон нотўқима” мате-риаллар фабрикаси, 1993 йилда Ўзбекистон-Туркия давлати қўшма корхонаси сифатида “Аснам-текстиль”, 1996 йилда Намангандарга шахри-

да «Нотўқимачи» акционерлик корхонаси фао-лияти ишга туширилди [9].

Ишлаб чиқариш корхонаси ҳар хил турда-ги хатарларга дучор бўлган анча мураккаб таш-килий тизимдир, чунки унинг таркибида маъ-лум функцияларни амалга оширишга қаратил-ган алоҳида бўлинмаларнинг фаолияти мавжуд (1-расм).



1-расм. Корхоналарда рискларни бошқариш алгоритми

Манба: муаллиф ишланмаси.

Рискларни бошқариш деганда, рискни амалга оширишнинг мумкин бўлган ижобий оқибатларидан максимал даражада фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи тушунилди, шу билан бирга, уларнинг корхоналарнинг ресурслари ва иқтисодий имкониятлари ва манфаатларига салбий таъсирига қарши курашиш учун барча мумкин бўлган бошқарув чораларини кўриш мумкин. Бошқарув фаолиятининг йўналиши сифатида рискларни бошқариш хавфни аниқлаш, унинг юзага келиш эҳтимоли ва унинг салбий кўринишларидан иқтисодий оқибатларини баҳолаш, хавфни таҳлил қилиш ва муайян шароитларда хавфларни бошқаришнинг энг мақбул усусларини танлаш ва қўллашга қаратилган бошқарув қарорлари тўпламидир.

Рискларни аниқлаш компаниянинг мақсад ва вазифаларига эришишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳалокатли омилларни ўз вақтида аниқлаш ва рўйхатга олиш, шунингдек, хавфларни бошқариш жараёнини такомиллаштириш йўналиши ва зарурлигини аниқлашга қа-

ратилган. Ушбу жараён келажақдаги фаолиятни режалаштирища хавфларни минималлаштириш ва имкониятларни ҳисобга олишга қаратилган. Хатарга йўналтирилган менежмент билан компаниянинг ҳар бир ходими доимий равишида унинг олдида турган мақсадларга эришишга таъсир қилувчи хавфларни аниқлаш, баҳолashi керак.

Активларнинг қийматини аниқлаш муҳим активларнинг маҳфийлиги, яхлитлиги ва мавжудлигига таъсир қилувчи турли хусусиятларни ўз ичига олган қийматлар шкаласини ишлаб чиқиши талаб қиласди. Шунингдек, ўлчов бошқа активларга боғлиқликни ҳисобга олиши керак. Ҳисобга олиниши керак бўлган мезонларни аниқлагандан сўнг, бутун корхона учун ягона сифатида қўлланиладиган шкаланни келишиш таклиф этилади. Умумлаштирилган версия 1-жадвалда кўрсатилган ўлчовга тенгдир. Ушбу шкала ишлаб чиқариш корхонаси учун қандай зарар миқдори мақбул эканлигини ҳисобга олиши керак.

## 1-жадвал

### Ишлаб чиқариш корхонасининг актив қиймат шкаласи

№	Баҳолаш шкаласи	Активнинг қиймати / қиймати
1.	Паст	0-3
2.	Ўртача	4-6
3.	Юқори	7-10

**Манба:** муаллиф ишланмаси.

Рискларни бошқариш – корхонага стратегияни ишлаб чиқиш, мақсадларга эришиш ва асосли қарорлар қабул қилишда ёрдам берадиган такрорланувчи, даврий жараён. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги тизимида таваккалчиликка йўналтирилган менежмент рискларни бошқариш жараёнининг корхона билан боғлиқ барча фаолият турларидан ажralmasligiga асосланади ва манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабатларни ўз ичига олади; ички ва ташки мұхит омилларини ҳисобга олади ва рискларни бошқариш тамойиллари, тузилиши ва жараёнига асосланади (2-расм).

Тадбиркорлик субъектларининг риск омилларини таҳлил қилишда шуни таъкидлаш керакки, рисклар иқтисодий характердаги кўп сонли таъсиirlарнинг комбинацияси натижасидир. Булар:

- 1) техник;
- 2) технологик;
- 3) ташкилий;
- 4) инновацион;

$$H_{tsq} = TS_{bq} \sum_{i=1}^t (TS_{yeh} + \Delta TS_{eqjh} - TS_{ejbq} + E_{jq}) K_d$$


$H_{tsq}$  – ҳаёт цикли қиймати;

$TS_{bq}$  – тикув станогининг бошланғич қиймати;

- 5) молиявий;
- 6) иқлимиy.

Шуни таъкидлаш керакки, техник қайта жиҳозлашнинг интеграл харажатлари фақат техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш босқичи тугаганидан кейин тўлиқ маълум бўлиши мумкин. Техник-иқтисодий асослаш ва қарорлар қабул қилиш босқичида фақат маълум даражада аниқлик билан харажатларни дастлабки баҳолаш мумкин. Объектнинг ҳаёт айланишига таъсир қилувчи жараёнлар, одатда, тасодифий характерга эга бўлганлиги сабабли иқтисодий асослашда тасодифий жараённинг рухсат этилган қийматлар оралиғидан чиқиш эҳтимоли сифатида хавф ўлчовини ҳисобга олиш керак. Юқорида айтиб ўтилган хавф омиллари туфайли тасодифий ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган харажатларни ҳисобга олиш учун ҳаёт цикли қийматини маълум формула бўйича, лекин хавф омилини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш таклиф этилади.

$TS_{yeh}$  – тикув станогининг йиллик эксплуатация ҳаражатлари;



**2-расм. Корхонанинг рисклар тизимини таъминлаш орқали рискларни бошқаришни бошқарув жараёнларига интеграция қилиш схемаси**

**Манба:** муаллиф ишланмаси.

$\Delta TS_{eqjh}$  – тикув становини ишга тушириш билан боғлиқ бир марталик ҳаражатлар;

$TS_{ejbq}$  – эксплуатация жараёнида тикув станови бузилишини тузатишга кетган ҳаражатлар;

$E_{jq}$  – тасодифий ҳодисалардан зарар қиймати;

$K_d$  – дисконтлаш коэффициенти;


$i$  – тикув становини эксплуатация қилишнинг жорий даври.

$$H_{tsq} = TS_{bq} \sum_{i=1}^t (TS_{yeh} + \Delta TS_{eqjh} - TS_{ejbq} + E_{jq}) K_d$$

Мазкур кенгайтирилган формула ўзида 6 та омилни мужассамлаштирган бўлиб, улар, асосан, ишлаб чиқариш корхонасига таъсир этувчи техник, технологик, инновацион, иқлим, молиявий ва форс-мажор ҳолатларидир.

Маълумки, техник ва технологик омиллар туфайли вужудга келадиган риск таъсирлари дастгоҳ ишламай қолиши ёки унинг эскириши билан боғлиқ бўлиб, унинг зарарини камида бир кунлик қўшимча ишни ташкил этиш ёки

корхонанинг бошқа тармоғида технологияни қўшимча ишга тушириш туфайли қоплаш имконияти мавжуддир. Лекин, асосийси, масала бу ерда рискларни баҳолашнинг назарий ёндашувларига кўра, 5 та: техник, технологик, инновацион, иқлим, молиявий омилга қўшимча равишда форс-мажор омилини инобатга олиш орқали ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни бошқаришни методик жиҳатдан такомиллаштиришга эришилади (3-расм).



3-расм. Асосий риск омилларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган методологияси

Ушбу расмда рисклар туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган зарар ёки оқибатларнинг олдини олиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг бошқарув самарадорлигини оширишнинг такомиллаштирилган медотик асосларини кўриш мумкин. Ҳақиқатда юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш корхонасига асосий таъсир этувчи риск омилларининг 5 та тури методик ёндашувига форс-мажор ҳолатини киритиш орқали ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни бошқаришнинг методик асоси такомиллашувига олиб келади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қиласидан бўлсак, умуман олганда, бошқарув жараёни жуда ҳам кенг ва мураккаб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналари турли соаҳаларига қараб бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатдан такомиллашувига эришиш мумкин. Бироқ масала шундаки, ишлаб чиқариш корхонаси қайси тармоқда бўлмасин, рискларни бошқаришнинг асосий элементлари техник, технологик, инновацион молиявий ва иқлимийдан иборат, шу

нуқтаи назардан бошқарув самарадорлигини оширишда қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш;
- бошқаришни баҳолашда барча омилларни инобатга олиш;
- ички ва ташқи омилларни ҳисобга олиш ва унинг такомиллашувига олиб келиш;
- бошқарув самарадорлигини оширишда узоқ муддатли стратегик режаларни ишлаб чиқиш;
- бошқарувнинг методик жиҳатини инобатга олиш.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни бошқаришнинг методик асосларини такомиллаштиришда бошқарув обьекти ва субъектларига таъсир кўрсатиш орқали бошқарувнинг копмлекс жараёнлари асосида ижобий натижага эришиш мумкин.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бадалова А.Г. Управление рисками производственных систем: теория, методология, механизмы реализации. – М.: Станкин, ЯНУС-К, 2006.
2. Игнатов С.А. Организационно-экономические методы управления рисками на предприятиях текстильной промышленности. Автореферат. к.э.н. – Ростов на Дону, 2007. С. 12.
3. Қамбаров Ж.Х. Ишлаб чиқариш рискларининг саноат ривожига таъсирни масалалари. Мақола. // Иқтисод ва молия. / Экономика и финансы. 2019, №(129). 55-6.
4. Турсунхўжаева Ш. Реал сектор корхоналарида молиявий рискларни бошқаришда рақамлаштирилган тизимлардан фойдаланишистиқболлари. Мақола. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" имлй-электрон журнали. 2-сон, март-апрель, 2021 йил. 16-б.
5. Andreyea Dumitrescu. Risk assessment in manufacturing SMEs' labor system. / 11th International Conference Interdisciplinarity in Engineering, INTER-ENG 2017, 5-6 October 2017, Tîrgu-Mureş, Romania. P. 914.
6. J. Klöber-Koch. Approach For Risk Identification And Assessment In A Manufacturing System//Procedia CIRP 72 (2018) 683–688/51st CIRP Conference on Manufacturing Systems. 2018. P. 686.
7. НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 12-иши, 202-варақ.
8. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Асарлар. – Т.: Ўзбекистон, 1997. Т. 5. – 227-б.
9. Ҳайдаров З. Наманган вилояти: ўтмиш ва бугун. Монография. – Наманган: Наманган нашриёти, 2014. 38-б.
10. Мухитдинов Ш.З. (2021). Тадбиркорлик субъектларида хатарларни бошқаришнинг назарий-услубий асослари. Scientific progress, 1(6), 939-943.